Тадбиркорлик ҳисси уйғондими, демак, энди тўхташ бўлмайди

Камбағалликни камайтириш учун ёппасига кредит бериш ўзини оқламаслигини барчамиз тушуниб етдик. 2-с.

“Камбағалликдан чиқариш бўйича махсус дастур яратдик”

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 10 та камбағал оила танлаб олинди. 4-с.

Асосий мақсадимиз — баркамол шахсларни вояга етказиш



Президентимиз ташаббуси асосида ёшлар билан ишлашнинг янги бошқарув тизими – маҳаллалардаги ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда ҳар бир шаҳар, қишлоқ, овул ва маҳаллада ёшлар етакчиси фаолият юритяпти.

Улар Президентнинг маҳалладаги ишончли вакилига айланди.

3-с.

Mahalla

№75 (2213) | 2024 ЙИЛ 23 НОЯБРЬ, ШАНБА

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Уюшма ва UNDP меморандум имзолади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури(UNDP)нинг Ўзбекистондаги доимий вакили Акико Фужии хоним бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказилди.



Мулоқот аввалида Уюшма раиси Қаҳрамон Қуронбоев мамлакатимиздаги маҳалла тизими, Президентимиз томонидан ташкил этилган “маҳалла еттилиги” фаолияти ҳақида маълумот берди. Ўз навбатида Акико Фужии хоним Ўзбекистонда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни алоҳида эътироф этди.

— Жаноб Президент бошчилигида айни соҳада қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Маҳаллаларда камбағалликни қисқартиш, гендер тенгликни таъминлаш, жиноятчилик, оилавий ажралишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар Ташкилотимиз олиб бораётган миссияга тўлиқ ҳамоҳангдир. Келгусида икки ташкилот ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришда бугунги келишувимиз дастурул амал бўлади, ***— деди Фужии хоним.***

Учрашув сўнггида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва UNDP ўртасида Меморандум имзоланди.

СТАТИСТИКА



397 НАФАР МАҲАЛЛА РАИСИ ДЕПУТАТ БЎЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тақдим этган маълумотга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда маҳалла раислари фаол иштирок этиб, 397 нафар раис депутатликка сайланди. Унга кўра:

*Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари ҳудудий Кенгашларига — **15 нафар;***

*Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига — **382 нафар** маҳалла раиси депутатликка сайланган.*

Бу ўринда энг кўп ҳудудий Кенгашларга: Қорақалпоғистон Республикасидан — **4 нафар,** Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳридан — **2 нафардан,** энг кўп маҳаллий Кенгашларга: Андижон вилоятидан — **37 нафар,** Тошкент вилоятидан — **35 нафар,** Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилоятидан — **34 нафар,** Қашқадарё вилоятидан — **33 нафар,** Наманган вилоятидан — **32 нафар** маҳалла раиси номзоди маъқулланган.



БУГУНГИ СОНДА:

30 мингта хонадон қўшимча даромад манбаига эга бўлди

Оилалар “Кейс менежмент” асосида ўрганилиб, 210 та кейс очилди. Кейсларда кўтарилган муаммоларни бартараф қилиш учун 569 та ижтимоий хизматлар кўрсатилди. 231 нафар ногиронлиги бўлган шахс протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация техник воситалари билан таъминланди.

5-с.

Ташаббус барча муаммолар ечимига айланяпти

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, 1 670 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. 1 860 нафар ёшга деҳқончилик учун 404 гектар ер майдони ажратилди. Уларнинг 101 гектарига сабзавот, 65 гектарига полиз, 165 гектарига картошка, 45 гектарига дуккакли, 10 гектарига бошоқли дон экилди.

6-с.

Вояга етмаган шахслар учун реабилитация маркази очилса...

“Худди аёллар реабилитация марказларига ўхшаган, болани 3-6 ой давомида тарбиялайдиган, касб-ҳунарга ўқитиб, бандлигини таъминлайдиган муассасалар ташкил этилишини таклиф қилган бўлардим”.

7-с.

Учинчи шахс аралашувига қонуний чеклов зарур...

“Хиёнат юз берганда, яраштириш қийин бўлади. У кейинчалик жиноятга йўл очиб бериши мумкин. Лекин учинчи шахс аралашуви масаласида қонуний чекловлар ўрнатилишини истардик. Бу ажралишлар сонини бироз қисқартиришга ёрдам берган бўларди”.

8-саҳифада.





ДИҚҚАТ! ОБУНА — 2025

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нашри — «Mahalla» газетаси ҳамда «маҳалла еттилиги» вакиллари учун ўзига хос қўлланмага айланиб улгурган «Mahalla ko‘zgusi» журналига 2025 йил учун обуна бўлинг!

“MAHALLA” ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 148

“MAHALLA KO‘ZGUSI” ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 862

Мурожаат учун телефонлар: +998 71 233 39 89, +998 71 233 10 92

ШОШИЛИНГ!

Маҳаллани «Mahalla»сиз тасаввур этиш қийин...



“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ қабул қилинди.



Президент Шавкат Мирзиёев ёшларни спортга кенг жалб этишга оид ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Россия Федерацияси Бош прокурори Игорь Красновни қабул қилди.

СИЁСИЙ МАЪРИФАТ СОАТИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида юртимиздаги сиёсий-ижтимоий воқеликлар таҳлилига бағишланган “Сиёсий маърифат соати”ни ўтказиш йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг кўп йиллик ривожланишига дахлдор Парламент палаталари ва Ҳукуматнинг жорий ҳафта давомида юз берган муҳим сиёсий воқеалари маҳалла тизимига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боис “Сиёсий маърифат соати”нинг дастлабки йиғилишида спикерлар мазкур сиёсий воқеаларнинг аҳамиятига тўхталди.

2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланган. Мазкур кўрсаткичга эришишда “маҳалла еттилиги” зиммасига катта масъулият юкланиши таъкидланди. Бу жараёнда маҳаллалар аҳолисининг муаммоларини индивидуал ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.



ДЕКЛАРАЦИЯ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида БМТнинг расмий ҳужжати — Самарқанд Декларацияси мазмун-моҳиятига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 2-5 октябр кунлари Самарқандда “Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусида I Халқаро конференция ташкил этилиб, унинг якунлари бўйича Декларация тасдиқланган эди. Мазкур ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қароргоҳида расмий ҳужжат сифатида қабул қилинди. Ҳужжат билан БМТнинг расмий саҳифасида олтита тилда танишиш имконияти мавжуд.

Декларацияда Ўзбекистоннинг маҳалла тизими, айни йўналишда сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар билан бирга, Уюшманинг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда келгусида ҳаётга татбиқ этиладиган режалари акс этган. Хусусан, маҳалланинг аҳоли тақдиридаги ўрнини кучайтириш, қуйи тизимда кўрсатилаётган ёрдамларни янги босқичга олиб чиқиш, фуқаролар йиғинларини халқ ва давлат ўртасида “кўприк” бўлишини таъминлашга оид ташаббуслар илгари сурилган.

Семинарда масъуллар Самарқанд декларацияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш тизими ҳақида маълумот берди.

САРҲИСОБ

Ҳар битта хонадон ҳолидан хабар олиняпти



Маҳалла тизимини такомиллаштириш бўйича йўлга қўйилган янги ёндашув қисқа вақтда самарасини кўрсатди. “Маҳалла еттилиги” фаолиятининг йўлга қўйилиши ортидан эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар, туман ва вилоят идораларига чиқмасдан, маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилинишига эришилмоқда. Маҳаллада қулай ва электрон иш юритиш йўлга қўйилди. Амалдаги учта платформа – “Онлайн маҳалла”, “Хотин-қизлар”, “Ёшлар портали” ўзаро интеграция қилиниб, ягона тизимда мужассамлаштирилди.

Абдували ИСАХОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қува тумани бўлими бошлиғи.

Юқоридаги ислоҳотлар натижасида, тумандаги 65 та маҳаллада аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир 25 та йўналиш бўйича 401 та кўрсаткичларни жамланган маълумотлардан иборат “Маҳалла баланси” шакллантирилди.

Ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш ҳамда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этишга қаратилган “Омбор китоби” ишлаб чиқилди.

Тизимда қоғозсиз иш юритишни ташкил этиш мақсадида ҳужжат юритиш иши электрон шаклга ўтказилди. Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш йўналишида 950 маротаба, тўй, маърака ва маросимларни миллий қадриятларга мос равишда ўтказилиши юзасидан давра суҳбати ташкил этилди. Умумий ҳисобда маънавий-маърифий тадбирларда 35 минг нафардан зиёд аҳолининг иштироки таъминланди.

“Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссия”лари аъзолари ташкил этган 877 дан зиёд тарғибот тадбирларида 192 дан ортиқ ажралиш ёқасидаги оилалар яраштирилди, 98 та ноқонуний никоҳ асосида яшаб келаётган оилаларнинг никоҳи расмийлаштирилди.

“Сайҳунобод тажрибаси” асосида ҳоким ёрдамчилари 1 минг 873 нафар фуқарога жами 29,8 млн. сўм имтиёзли кредит, 756 нафар ишсиз фуқарога 3 млрд. 906 млн. сўмлик субсидия ажратди. 728 нафар ишсиз фуқаро касб-ҳунарга ўқитилди.

“Еттилик” ходимлари ҳамкорлигида мигрантлар билан доимий тарзда онлайн мулоқот ўтказиб бориш ҳамда қайтиб келган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда аниқланган муаммолар бўйича “Омбор китоби”га киритилган жами 5 минг 814 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллага тумандаги тижорат банклари бириктирилди. Бугунгача 1 минг 873 нафар фуқарога кредит ажратилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бўлган 241 нафар фуқарога имтиёзли кредит берилди. Бундан ташқари, “Омбор китоби”даги 741 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. 988 нафари ўзини ўзи банд қилди. 211 нафари жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилди. 2 минг 506 та янги иш ўрни яратилди.

Камбағалликни қисқартириш чин маънода умумхалқ ҳаракатига айланди. Тумандаги ҳар бир маҳаллага масъул раҳбарлар бириктирилиб, камбағал оилалар билан индивидуал ишланмоқда. Жумладан, 1 минг 414 нафар оила камбағалликдан чиқарилди.

Сир эмас, маҳалла фаолиятининг самарадорлиги, аввало, ходимларга яратилган шароитга боғлиқ. Шу маънода, бугун иш унумини ошириш мақсадида фуқаролар йиғини моддий-техник базаси яхшиланмоқда. Жумладан, 8 та маҳаллага замонавий компьютер жамланмаси, 5 та маҳаллага принтер, 2 та маҳаллага мебель жамланмаси олиб берилди. “Саноатчилар”, “Ўзбек”, “Қорақум”, “Деҳқонобод” ва “Жалаер” маҳаллалари ходимлари янги бинода иш бошлади. “Ифтихор” маҳалласи биноси жорий таъмирланди.

Барча саъй-ҳаракатларимиз аҳолини рози қилишга қаратилган. Шу мақсадда “Акаробод”, “Намуна”, “Гулистон”, “Олтинариқ”, “Қалинпўстин”, “Байналминал”, “Баҳор”, “Деҳқонобод”, “Саноатчи”, “Турк”, “Қува”, “Ғалаба” маҳаллаларида сайёр қабул ташкил этилди. Муаммоларнинг 50 таси жойида ҳал қилинди, 50 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 2 таси масъул ташкилотларга йўналтирилди.

Бир сўз билан айтганда, тизимдаги ўзгаришлар ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Одамларнинг тақдирини ўзгартиришга сабаб бўлмоқда. Йил якунигача, туман маҳаллаларини ишсизликдан ва камбағалликдан холи ҳудудларга айлантиришга бор имкониятимизни сафарбар этамиз.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ОРҚАЛИ ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛМОҚДА



Вобкент туманидаги “Кўли одина” маҳалласи йўллари яқингача қишда лой, ёзда чанг эди. Аҳоли бирлашиб, бу муаммога ечим топди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасига киритилган таклифга 3 минг 640 нафар фуқаро овоз берди. Натижада 1 миллиард 300 миллион сўмлик маблағ ютиб олинди. Айни кунда Кўлиодина ва Арабасозлар қишлоғининг 3,2 км. масофадаги ички йўлларини асфальтлаш бошланди.

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ



Пастдарғом туманидаги маҳаллаларда ўрганишлар олиб борилмоқда. Навбатдаги ўрганиш “Қаршиобод” маҳалласида давом этди.

Унда масъул раҳбарлар маҳалла аҳли билан томорқадан унумли фойдаланиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида фаол иштирок этиш, ички сув йўлларини қазиш ва бетонлаштириш, қуёш панелларини ўрнатиш ва унинг афзалликлари, солиқ ҳамда коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш масалалари бўйича суҳбат ўтказди.

Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида томорқадан унумли фойдаланиш ва тўқсонбости экинларни экиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишилди. Сектор аъзолари кун давомида маҳалладаги 70 га яқин хонадонда бўлиб, 30 дан ортиқ муаммога ечим топишди.

40 ТА ХОНАДОНГА ОБИ-ҲАЁТ КИРИБ БОРДИ

“Маҳалла бюджети” тизими асосида Узун туманидаги “Чинор” маҳалласида хайрли ишга қўл урилди.

Гап шундаки, маҳалла ҳисоб рақамига келиб тушган бюджет маблағларининг 10 фоизи ҳисобидан 400 метр ичимлик сув тармоғи тортилмоқда. Бунинг натижасида 40 та хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланади.

ОИЛАВИЙ ШИФОКОРЛИК ПУНКТИ ИШ БОШЛАДИ

Навбаҳор туманидаги Зарафшон тиббиёт муассасасида ҳозирда 26 нафар ходим фаолият юритмоқда.

Бино 1977 йилда қурилган бўлиб, шу вақтга қадар капитал таъмирланмаган эди. Уни таъмирлашга 1 млрд. 140 млн. сўм маблағ сарфланди. Натижада “Вомитан”, “Армижон”, “Хашман” маҳаллаларининг 3 минг 58 нафар фуқароси сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Оилавий шифокорлик пункти янги замонавий стоматология ускунаси билан жиҳозланган. Бундан ташқари, замонавий лаборатория бўлимида 20 турга яқин таҳлиллар олиш мумкин.

ТАЖРИБА

Тадбиркорлик ҳисси уйғондими, демак, энди тўхташ бўлмайди

Маҳалла фуқаролар йиғинида 3 минг 57 нафар аҳоли яшайди. “Драйвер”имиз — деҳқончилик ва чорвачилик. Сўнгги пайтларда ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича сезиларли ишлар қилинмоқда.

Юлдуз РАҲМОНҚУЛОВА, Шароф Рашидов туманидаги Бобур номидаги маҳалла раиси.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 42 нафар фуқаронинг мурожаати асосида деҳқончилик, ишлаб чиқариш, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиши учун имтиёзли кредит ажратилди. Тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида 2024 йил давомида 8 та янги корхона ташкил этилди. Ўз навбатида 20 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди.

Йил бошидаги хатловда 191 нафар ишсиз фуқаро аниқланган эди. Ҳар бири билан алоҳида ишланди. Қизиқишига кўра, иш таклиф этилди. Юқорида таъкидланганидек, 42 нафарига имтиёзли кредит, 13 нафарига субсидия ажратилди. 7 нафарига ижара асосида фойдаланиш учун ер берилди. 51 нафари ўзини ўзи банд қилди.

Фотима Шодмонова ишсизлиги учун “Аёллар дафтари”да рўйхатга олинган. Бунинг устига турмуш ўртоғи хорижда меҳнат қилади. 3 нафар фарзанд тарбияси, қолаверса, рўзғор юки зиммасида. Яшаш шароити ўрганилганда, хонадонидаги томорқадан самарали фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. Унга имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриб бердик. Натижада ўзини ўзи банд қилди. Ҳозир иссиқхонада бодринг етиштирмоқда.



Уйма-уй ўрганишларда маълум бўлдики, 58 нафар фуқаро хорижда меҳнат қилмоқда. Бугунгача уларнинг 19 нафари оиласи бағрига қайтиб, доимий иш билан таъминланди.

Камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш даражасини оширишда ҳудуд инфратузилмасининг ўрни катта. Шу боис 16 та кўчамизнинг 6,5 км. ички йўлларини “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида асфальтланди. Режадаги 4,5 км. йўлни асфальтлаш ишлари давлат дастурига киритилди. Бундан ташқари, электр таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида Янги давр ва Қиёс кўчаларида 1,5 км. тармоқ тортилиб, янги трансформатор ўрнатилди.

Камбағалликни қисқартириш бўйича хатлов ўтказиб, 5 та камбағал оила портрети яратилди. Энди камбағалликни камайтириш учун ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш ўзини оқламаслигини барчамиз тушуниб етдик. Бунинг учун аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотишга эътибор беряпмиз.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” УЧУН ЯНГИ БИНО ҚУРИЛДИ



Ўзбекистон туманидаги “Қудашобод” маҳалла фуқаролар йиғини янги масканда иш бошлади.

Маҳалла идораси шу кунга қадар замон талабларига мос бўлмаган шароитдаги бинода фаолият кўрсатиб келаётган эди. Ҳудудда бўш турган масканда йиғин учун бино ажратилиб, ҳомийлик маблағи асосида таъмирланди. Бу ерда “маҳалла еттилиги” ходимлари муносиб иш олиб бориши учун зарур шароит яратилди.



Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.



Президент имзолаган қонун билан РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР билан ишлаш тизими такомиллаштирилади.



“Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ қабул қилинди.

Асосий мақсадимиз —

БАРКАМОЛ ШАХСЛАРНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ



СУҲБАТ

Ҳар қандай жамият учун ёш авлоднинг тақдири устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, илмга йўналтириш, касб-ҳунарли бўлишида кўмаклашиш каби энг долзарб масалаларга ҳар вақт жиддий эътибор қаратилган. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида замонавий йўналишларда тараққий этаётган ҳозирги замон ёшлари ўзининг интеллектуал салоҳияти, қобилияти билан юксак марраларга эришиш йўлида самарали ишлар ташкил этилган.



Биз бу борада **Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев** билан суҳбатлашиб, ёшлар билан боғлиқ муҳим изланишлар, улар олдига қўйилган вазифалар, ташкилий ишлар ҳақида маълумотга эга бўлдик.

— Давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув тизими яратилди. Айтинг-чи, янги тизим ёшларга қандай имкониятларни тақдим этди?

— Тўғри айтдингиз, Президентимиз ташаббуси асосида ёшлар билан ишлашнинг янги бошқарув тизими – маҳаллалардаги ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу тизимнинг жорий этилиши ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва фаоллигини ошириш, улар учун янги имкониятлар яратиш мақсадида муҳим қадам бўлди. Эндиликда ҳар бир шаҳар, қишлоқ, овул ва маҳаллада ёшлар етакчиси фаолият юритяпти. Улар Президентнинг маҳалладаги ишончли вакилига айланди.

Янги тизим ёшлар учун бир қанча янги имкониятларни тақдим этди. Жумладан, ёшлар етакчилари орқали:

– ёшлар ўртасидаги ижтимоий муаммолар, хусусан, таълим, ишга жойлашиш, турмуш шароити билан боғлиқ масалаларни тезда аниқлаш ва ҳал этиш имконияти яратилди;

– ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг касб-ҳунар ўрганиши учун зарур ресурслар тақдим этилди. Бу ёшларни мустақил равишда турмуш кечиришга тайёрлайди;

– ёшлар ўртасида ташкил этилган турли спорт, маданият, ижтимоий тадбирлар ва кўнгиллилар дастурлари орқали ёшларнинг фаоллиги ошди, улар жамиятда муҳим ўрин тута бошлади;

– ёшлар учун таълим олиш ва ишга жойлашиш масалаларида кенг имкониятлар тақдим қилинди.

Ҳозирги кунда республикамиз бўйлаб 9 452 та маҳаллада ёшлар етакчиси фаолият юритяпти. Мавжуд тизим ёшлар билан ишлашда кўплаб муваффақиятларга эришди. Бунга ёшларни ўқиш, ишлаш, ижтимоий фаолиятга жалб қилиш, тадбиркорлигига кўмаклашиш каби соҳаларда эришилган ижобий натижалар мисол бўла олади. Ёшлар етакчилари шахсий муваффақиятларда ҳам бошқаларга намуна бўла олишяпти. Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари ҳудудий ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлиги учун сайловларда 119 нафар маҳалла ёшлар етакчиси депутатликка сайланди.

— Ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, китобга муҳаббатини ошириш, санъат, мусиқа ва спортга жалб қилиш масалаларига замон талаблари асосида қандай янгича тизимларни жорий этиш керак, деб ҳисоблайсиз?

— Замонавий дунёда ёшларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши, уларнинг ижодий ва илмий салоҳиятини ошириш учун замон талабларига мос, инновацион ёндашувларни жорий этиш зарур. Ёшлар ишлари агентлиги уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни санъат, маданият, спорт, IT, китобхонлик ва интеллектуал ўйинларга жалб қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширмоқда. Уларга 4,2 миллионга яқин ёш қамраб олинди. Таълим муассасаларидаги 9 мингга яқин спорт мажмуалари ва 10 минг 103 та кутубхона маҳалла ёшлари учун соат 16:00 дан 23:00 гача эркин фойдаланишга берилиб, 1,5 миллиондан ортиқ ёш қатнашди.

Шунингдек, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида жорий йил ҳисобидан 764 минг нафар ёш маданият, санъат, 5,4 миллион нафар ёш спорт, 304,4 минг нафар ёш IT, 1,7 миллион нафар ёш китобхонлик ва интеллектуал ўйинлар, 201 минг нафар ёш касб-ҳунар йўналишларида танлов ва мусобақаларга қамраб олинди. Футбол бўйича “ДХХ кубоги”, кураш бўйича “Бош прокурор кубоги”, гандбол бўйича “Маҳаллалар уюшмаси кубоги” мусобақаларига 1,3 миллиондан ортиқ маҳалла ёшлари жалб қилинди.

Ёшларни китобхонликка кенг жалб қилиш мақсадида “Мутолаа” лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, фойдаланувчилар сони қарийб 1 миллион 200 мингга етди. 1 591 та аудиокитоб, 1 655 та электрон китоблар ёшлар учун тақдим қилинди. “Жадидлар” ва “Уйғониш” номли тўпламлар нашр этилди. Бундан ташқари, “Ёш китобхон” танлови ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиб келинмоқда. Ғолиб бўлган ёшларга Президент совғаси – замонавий автомобиль топшириляпти. Танловнинг бу йилги мавсумида Президент совғаси сифатида электромобиль бериш режа қилинган.

Ўзбек халқининг ноёб классик ва эстрада қўшиқларини караоке форматда тўплаш, вокал билимларини мустаҳкамлаш ва овоз имкониятларини яхшилаш мақсадида “Миллий караоке” лойиҳаси ишлаб чиқилди. “Yoshlar ovozi – Bo‘zatov FEST”танлови ҳам ёшларни мусиқий имкониятларини кашф қилиш майдонига айланди.

Президентимизнинг халқаро тадбирларда билдирган таклиф ва ташаббуслари асосида жорий йилнинг 26-30 июнь кунлари илк маротаба “Бутунжаҳон ёшлар фестивали” ўтказилди. Фестивалда 92 та давлатдан 700 нафардан ортиқ хорижий делегатлар, 1 миллион нафарга яқин маҳаллий ёшлар иштирок этди.

Умуман олганда, ёшларимизни маънавий ва жисмоний ривожлантириш учун инновацион ёндашувларни жорий этиш, уларни халқаро тажриба асосида миллий анъаналаримиз билан уйғунлаштириш ҳаракатидамиз. Ёшларнинг фаолиятини кенгайтириш, маънавий ва жисмоний салоҳиятини ошириш учун барча соҳаларда муҳим ташаббуслар яратиш бўйича иш олиб боряпмиз.

— Ёшлар орасида ажралишлар сонининг ошаётгани жуда ачинарли ҳол, албатта. Кўпчилик бу мавзуга аралашишдан ўзини четга олади. Бу масаланинг ечими йўқдек гўё. Шундай вазиятда ёшлар етакчисининг иштироки қай ўринларда намоён бўлади? Келажакда мазкур йўналишда қандайдир янгича ёндашув ва усуллар қўлланиши назарда тутилганми?

— Ёшлар ўртасида ажралишлар сонининг ошиши жамиятимиз учун жиддий масала ҳисобланади. Бу ҳолат оилавий муаммолар, ижтимоий ва психологик оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу вазиятда ёшлар етакчисининг роли жуда катта. Етакчи ёшларнинг кундалик муаммоларига ёрдам бериш, улар ўртасидаги оилавий муаммоларнинг олдини олиш учун самарали психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиши лозим.

Келажакда бу соҳада янги ёндашувлар ва усулларни татбиқ қилиш кўзда тутилган. Ёшлар ишлари агентлиги оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича янги дастурлар ишлаб чиқмоқда. Мисол тариқасида, “Қизлар академияси” платформасини келтириш мумкин. Маҳаллаларда ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва психологик кўмакка муҳтож ёш қизларимиз ҳамда янги оила қурган ёш келинларимиз учун яратилган ушбу платформа уй шароитида ўқиб, ўрганиб, дарслар охирида тест саволларига жавоб бериш орқали сертификат олиш имкониятини тақдим этади. Платформа орқали ёш қизларимиз молиявий, иқтисодий, психологик, тадбиркорлик, маркетинг йўналишлари бўйича ўқиш имкониятига эга.

“Маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилиб, унинг таркибида ижтимоий ходим ҳамда хотин-қизлар фаоли иш олиб боради. Тизимнинг йўлга қўйилиши ёш қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларини ҳал этишда муҳим бўғинга айланди.

Ёшлар учун махсус курслар, семинарлар ва тренинглар ўтказиш, оилавий муносабатлар ҳақидаги маълумотларни ёшлар орасида тарқатиш орқали оилавий ажралишларнинг олдини олишга ҳаракат қиламиз. Бундай ёндашув соҳадаги ижтимоий муаммоларни камайтиришга ёрдам беради.

— Бугунги кунда ёшларнинг замонавий касбларга қизиқиши ва талаби ортяпти. Бироқ уларнинг керакли билим ва малакаларни эгаллаши учун маҳаллаларнинг ҳаммасида ҳам ўқув курслари ва керакли мутахассислар етишмайди. Бу борада бирор таклиф ва тавсияларингиз борми?

— Ёшларда замонавий касбларга қизиқиш ва талаб ортаётгани қувонарли ҳол. Уларнинг қизиқиш ва талабларидан келиб чиқиб, замонавий касбларни онлайн ўрганиш имкониятини берувчи “Ustoz AI” лойиҳасини ишга туширдик. У орқали профессионал устозлардан PR, HR, график дизайн, видеомонтаж, no-code, мобилография, логистика, маркетинг каби 40 дан ортиқ замонавий соҳаларни онлайн тарзда, бепул ўрганиши мумкин. Лойиҳа доирасида 10 та видеокурс, 323 та видеодарс платформага жойлаштирилган бўлиб, 146 минг фойдаланувчига эга.

Ёшлар ишлари агентлиги “Келажак касблари” лойиҳасини ҳам йўлга қўйган. Лойиҳанинг асосий мақсади — ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз ёшларга замонавий касблар, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш учун имконият яратиш, сифатли ва бепул таълим бериш, ўқув марказларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларнинг ҳаётда ўз йўлини топишига кўмаклашишдир. Шу боис ахборот технологиялари, хорижий тилларни ўрганиш ниятидаги ёшларга 6 ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади. Шу кунга қадар 25 минг ёшнинг ўқиш харажатлари учун 56,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

— Айтингчи, бугун ёшлар орасида қайси масалалар энг долзарб ва ҳал этилиши мураккаб ҳисобланади? Ёшлар кўпроқ қандай қийинчиликларга дуч келяпти? Бу вазиятда етакчи ва мутасаддилардан қандай ёрдам кутилади?

— Ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаши ва бандлигини таъминлаш — долзарб муаммо. Кўплаб йигит-қизлар ҳали ҳам ўз мақсадига мувофиқ касб-ҳунарни танлашда қийналмоқда. Уларнинг айримлари нотўғри йўналиш бўйича ҳаракат қилади ёки ўқишни тугатгач, иш топишда қийинчиликларга дуч келади. Маҳаллалардаги ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилгач, ёшлар муаммоларини аниқлаш, уларга кўмак бериш масалалари осонлашди.

Ёрдамга муҳтож йигит-қизларга кўмак бериш мақсадида махсус тизим – “Ёшлар дафтари” ишлаб чиқилди. Унга киритилганлар учун турли ижтимоий ва иқтисодий ёрдамлар тақдим этилади. Бу ёрдамлар ёшларнинг бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар ўрганиши ва тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган. Бундан ташқари, “Ёшлар дафтари”га киритилганлар туман бандлик марказларига йўналтирилади. Бу марказларда улар учун иш топиш, касб-ҳунар ўрганиш ва ишга жойлашиш имкониятлари яратилади.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ташкил этилган “Касблар танлови” касб-ҳунарли ёшларни рағбатлантиришга хизмат қиляпти. Лойиҳа орқали 18,6 минг нафар ёшнинг 53,3 миллиард сўмлик ўқув курси харажатлари тўлаб берилди.

Маҳаллаларда “Ёшлар банд-лиги дастури” амалга оширилиб, 2024 йил давомида 342 минг ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, 150,8 минг нафарига деҳқончилик қилиши учун “маҳалла еттилиги” тавсияси билан 54,3 минг гектар унумдор ер майдонлари ажратилиб, 165,4 минг тонна маҳсулот етиштирилди. 24,2 минг нафар ишсиз ёшга меҳнат куроллари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 85,5 минг нафар ёшга 1 триллион 552 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиб, маҳалланинг ўзида бандлиги таъминланди. Ҳудудларда 1 тадан туманда (жами 14 та) “Уйчи намунаси” жорий этилиб, ишсиз ва норасмий фаолиятдаги 62,9 минг нафар ёш ишли қилинди. Натижада 1 814 та маҳалла “ёшлар ишсизлигидан холи ҳудуд”га айланди.

— Ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш борасида қанча чоралар кўрилмасин, маълумотларга кўра, туманлараро ёшлар кесимида жиноятлар сони ўтган йилга нисбатан ошган. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз? Бундай кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш учун кўпроқ нималарга эътиборли бўлиш жоиз?

— Тадбиркорлик имкониятларининг чеклангани, иш ўринларининг етишмаслиги, оилавий муаммолар ва тенгсизлик каби ҳолатлар ёшларнинг жиноятга мойиллигини ошириши мумкин. Ота-оналарнинг ёшлар тарбиясига масъулиятини ошириш, диний ва маънавий қадриятлар асосида ёшларни тарбиялашга эътибор қаратиш зарур. Ёшлар орасида жиноятга қарши таълим, ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириш борасида кўпроқ чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Бугунги кунда ёшлар орасида интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ортган. Ёшлар ўртасида виртуал жиноятлар, кибербуллинг ва ўзаро зўравонликнинг олдини олиш учун инновацион усулларни қўллаш зарур.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини мустаҳкамлаш, уларни касбга йўналтириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш керак. Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши профилактик ишлар ва ҳуқуқий тарғибот фаолиятини кенгайтириш, улар билан бевосита ишлашни ривожлантириш, оилалар ва давлат органлари ўртасида яқин ҳамкорликни ошириш лозим.

Муҳтарам Президентимиз 2024 йил 12 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида айни шу мавзу бўйича тўхталган ва муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Ушбу долзарб вазифалардан келиб чиқиб, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига 4 миллион ёшни оталиққа бириктириб ишлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳозир 4 миллион ёш 9 452 та маҳалла кесимида ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига 4 та сектор кесимида тақсимлаб берилди.

Маълумот учун:
1-секторга (Мудофаа вазирлиги) 1 миллион нафар, 2-секторга (Бош прокуратура, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги) 500 минг, 3-секторга (Ички ишлар вазирлиги) 1 млн. нафар ва 4-секторга (Адлия вазирлиги, Миллий гвардия) 500 минг ёш тақсимланди.

Масъуллар 2,9 миллион нафар ёш билан “хонадонбай” суҳбатлар ўтказиб, аниқланган 179 минг 813 та муаммони ҳал этиш бўйича “Йўл харита”ларини тасдиқлади. 22 минг 109 нафар ёшнинг ижтимоий, маиший муаммолари ҳал этилди. Бириктирилган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ҳудудларда 56 мингдан зиёд тадбирлар орқали 2 миллион нафар ёш қамраб олинди. Маҳаллаларда 4 279 та кичик кутубхона, китоб ва маънавият бурчаклари ташкил этилди.

Шунингдек, “оғир” тоифадаги ёшларни давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларига бириктириш тизими ҳам йўлга қўйилган. Масъуллар маҳалладаги профилактика инспектори билан биргаликда жиноятчиликка мойил ёшлар билан индивидуал ишлаб, уларни қайтариш бўйича иш олиб боради.

— Бугунги кун иқтидорли ёшлари ҳақида қандай фикрдасиз? Сизнингча, улар катта авлод кутган натижаларга эриша оляптими?

— Ёшларимиз ўзгаришларга мослашувчанлиги ва янгиликка интилиши билан ажралиб туради. Улар ҳар томонлама фаол, дунёқараши кенг ва ўзининг касбий фаолиятида ҳам, жамиятда ҳам янгилик яратишга тайёр. Ёшларнинг бугунги ютуқлари чамалаб кўрилса, биз кутган натижалардан ҳам юксакроқ марраларни забт этаётгани ойдинлашади. Аввало, катта ютуқларга кичик ғалабалар билан қадам ташланади. Иқтидорли ёшларимиз спорт ва фан олимпиадалари, турли мусобақалар, халқаро танловларда ўз сўзини айтмоқда.

Ёшларни хорижий тил ва замонавий касбларга ўқитиш орқали биз юқори чўққиларга чиқиб боряпмиз. Хорижий тилларни бепул, онлайн тарзда ўрганиш имкониятини берувчи “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси йўлга қўйилиб, лойиҳа доирасида 1,4 миллиондан ортиқ ёш 23 та хорижий тилларни ўрганмоқда. Натижада халқаро имтиҳон тизимларидан С1 даражасидаги сертификатга эга бўлган 12,3 минг ёшга 24 миллиард сўм имтиҳон топшириш харажатлари қоплаб берилди (лойиҳа бошидан жами 35,2 минг ёшларга 64,4 миллиард сўм).

Германияда дуал таълим (Ausbulding) дастури доирасида 8 мингга яқин ёш немис тили курсларида ўқитилиб, 512 нафари Германияга касбий таълим олиш ва ишлаш учун юборилди.

Сўнгги икки йилда ўзбек шахмати сезиларли ўсишга эришди. 2022 йил Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳри мезбонлик қилган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида шахматчиларимиз чемпионликни тантана қилди. Эътиборли жиҳати, терма жамоа таркибидаги барча шахмат усталари ёшлардан иборат. Жорий йил Будапешт шаҳри мезбонлигидаги 45-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида эса бронза медалини ўзимизники қилдик. Шу билан бирга, 2026 йили шахмат олимпиадасига Ўзбекистон мезбонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. 16 ёшли шахматчимиз Афруза Ҳамдамова ёшлар ўртасида 2 карра жаҳон чемпиони деган номга эришди. Нодирбек Абдусатторов ФИДЕ рейтингида кучли “5 талик” учун курашмоқда.

Биз ёшларимизнинг салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш учун доимий ишларни амалга оширмоқдамиз. Ёшлар учун ҳар томонлама ривожланиш, билим олиш ва ўз мақсадларига эришишда тўсиқларни бартараф этиш, уларни турли соҳаларда қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Шунинг учун давлат ва жамоат ташкилотлари ёшлар билан ишлашни доимий равишда яхшилаб боришлари, уларга янада кўпроқ имкониятлар яратишлари керак.

Бугунги ёшларга катта умидлар билан қарайман ва уларга ўзлари кутган натижаларга эришишлари учун барча зарурий ёрдамни кўрсатишга тайёрман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Шаҳноза ХАЛИЛОВА суҳбатлашди.



2025 ЙИЛ – “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди.



“ИПАК ЙЎЛИДА ТУРИЗМ” номли Тошкент халқаро туризм ярмаркаси ўз ишини бошлади.



Ўзбекистоннинг Афғонистондаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси ОЙБЕК УСМОНОВ Мавлавий Амирхон Муттақийга ишонч ёрлиғи нусхасини топширди.

ТАҲЛИЛ

“Ишсизликни ихтисослашув орқали қисқартиряпмиз”

Маҳаллага эътибор натижасида унинг нуфузи ошиб, чинакам халқ минбарига айланиб бормоқда. “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонига кўра, муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг саъй-ҳаракатини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш, молиявий имкониятини ошириш, камбағал оилаларга ажратилаётган бюджет маблағларининг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш йўлга қўйилди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ташкил этилди. “Маҳалла етилиги” фаолиятининг йўлга қўйилиши эса қуйи бўғиндаги кўплаб масала ва муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.



Валишер НУРАЛИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Норин тумани бўлими бошлиғи.

Ислоҳотлар туман ҳаётида ҳам акс этмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан бери, 19 минг 146 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Уларнинг 5 минг 848 нафари доимий ва мавсумий ишга жойланди. 11 минг 447 нафари ўзини ўзи банд қилди. Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорлик ташкил этиш, касб-ҳунарга йўналтириш ҳисобига ишсизлик қисқартирилди.

Жорий йилда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури орқали 910 та ариза қаноатлантирилиб, талабгорларга 21 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ерларни узоқ муддатли ижарага бериш орқали 11 минг 45 нафар фуқаро мулкдорга айланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 210 нафар эҳтиёжмандга субсидия асосида асбоб-ускуна тарқатилди.

Янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлашда маҳалла ихтисослашувидан самарали фойдаланяпмиз. Ўсиш нуқтаси асосида жами 16 минг хонадонда деҳқончилик, чорвачилик, иссиқхоначилик, хизмат кўрсатиш, ҳунармандчилик, тикувчилик соҳаси ривожлантирилди.

“Ишга марҳамат” мономаркази ва бошқа нодавлат таълим муассасалари орқали 1 минг 86 нафар фуқаро касбга ўқитилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 191 та юридик ва 577 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди.

“Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида аҳолига деҳқончилик учун ажратилган 31 гектар майдонга эга 3 та контурда 1,8 млрд. сўмлик намунавий лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошланди. Табиийки, бу ерда минглаб иш ўринлари яратилди.

“Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида ўтказилган тадбирлар натижасида 3 минг 858 нафар фуқаро ватанга қайтишига эришилди. 2 минг 587 нафарининг бандлиги таъминланди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида мақсадли кўрсаткичга асосан йил якунига қадар 460 та оилани камбағалликдан чиқариш ҳамда камбағаллик даражасини йил бошидаги 11,5 фоиздан 4,4 фоизга тушириш белгиланган.

Дастлабки мониторинг натижасига кўра, 460 та оилада 1 минг 960 нафар аъзо борлиги аниқланди. Шундан 753 нафари меҳнатга лаёқатли, 565 нафари ишсиз, 78 нафари меҳнат миграциясида, 149 нафари ногирон, 723 нафарининг вояга етмаган фарзанди бор, 285 нафари нафақа олувчи, 289 нафари ижтимоий реестрда туради. Ўрганиш давомида аниқланган муаммоларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Мисол учун, “Катта ўлмас” маҳалласида яшовчи камбағал оила тоифасига киритилган Меҳмонали Тешабоев, “Полвонкўл” маҳалласида яшовчи Ҳабиба Холбоевага уй қуриб берилди.

Қувонарлиси, бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар доимийлик касб этган. Келгусида ҳам зиммамиздаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда, вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун бор куч-салоҳият ва имкониятларни ишга соламиз.

ТАШАББУС

“Камбағалликдан чиқариш бўйича махсус дастур яратдик”

Мавлуда Худоёрова якингача ишсизлар сафида эди. Қизиқиши ва интилишини ўрганиб, томорқасида иссиқхона ташкил этиш таклифини билдирдик. Кўрсатилган амалий ёрдам орқали 6 сотихли иссиқхона қурди. Қандай экин турларини экиш мумкинлиги, келадиган даромад тушунтирилди. Натижада помидор, бодринг кўчати етиштиришни йўлга қўйди. Бугун кўчатчилик ортидан йилига 100 миллион сўм даромад топмоқда.



Турсунпўлат ХУДОЙНАЗАРОВ, Термиз туманидаги Муҳиддин Эштемиров номидаги маҳалла ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалла “драйвери”идан фойдаланиб, шу каби ижобий натижага эришаётган фуқароларни кўплаб келтириш мумкин. Англаганингиздек, ўсиш нуқтамиз — иссиқхоначилик, деҳқончилик ва чорвачилик.

Ҳудудда 770 та хонадон мавжуд бўлса, уларнинг 400 дан ортиғида кичик ва катта ҳажмли иссиқхона ташкил этилган. Етиштирилаётган маҳсулот маҳаллий ва хорижий бозорга етказиб берилмоқда. Тармоқни кенгайтириш орқали ишсизликдан холи ҳудудга айланганмиз. Ён-атрофдаги маҳаллалар тажрибамиз билан қизиқади. Ютуқлар омили ҳақида сўрайди.

Аввало, айтиш керакки, аҳоли томорқасига иссиқхона қуриб бериш билан иш якунланмайди. Балки юқори даромад олиш учун уни доимий такомиллаштириш, босқичма-босқич кенгайтириш лозим. Қолаверса, аҳолида экинларни экиш ва тўғри парвариш қилиш бўйича кўникма, малака ва билимларни шакллантириш талаб этилади. Шу боис босқичма-босқич малакали мутахассислар жалб қилиб, махсус тренинглар ўтказиб борамиз. Иссиқхонани бошқаришнинг барча жиҳатларини ўргатамиз.

Шу каби саъй-ҳаракат орқали соҳада яхши натижага эришяпмиз. Тажрибали томорқачи Зуҳриддин Аҳмедов 22 сотих иссиқхона ташкил этган. 15 сотихи 100 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига қурилган. Умумий ҳисобда 22 тонна ҳосил олади. Даромад — 100 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, тадбиркор помидор, бақлажон парваришлаб, рўзғор камини тўлдирмоқда. Муҳими, оиланинг 3 нафар аъзоси шу иш ортидан ўзини ўзи банд қилган.

Яна бир маҳалладошимиз — Соибжон Убайдуллаев турмуш ўртоғи билан биргаликда 66 миллион сўм кредит олиб, 6 сотихли иссиқхона барпо этди. Бу ерда помидор, бодринг етиштириб, 70 миллион сўм даромад топмоқда.

Йил бошида ўтказилган хатловда 102 нафар ишсиз рўйхатга олинган эди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бугун уларнинг барчаси ишга жойлаштирилган, ўзини ўзи банд қилган.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 10 та камбағал оила танлаб олинди. Уларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастур яратдик. Бириктирилган масъул ташкилот раҳбарлари кўмагида босқичма-босқич амалий ёрдам берилмоқда.

Янги иш ўринлари яратиш мақсадида тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратяпмиз. Йил бошидаги 12 та субъект бугун 24 тага етди. Уларда 27 та янги иш ўрни яратилди.

Чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва режасидан келиб чиқиб, иш топишига кўмаклашяпмиз. Хорижда ишлаб, малака орттириб қайтганларнинг тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда зарур кўмак берилмоқда. Жумладан, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида имтиёзли кредит ажратилиб, маҳалла “драйвер”и ҳисобланган — иссиқхоначилик йўлга қўйилди. “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили, “Сайхунобод тажрибаси” асосида уларга томорқада маҳсулот етиштириб, даромад олиши учун молиявий кўмак берилмоқда. “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурига мувофиқ, имтиёзли кредит ажратиляпти. Бунинг натижасида йил бошида рўйхатга олинган 113 нафар мигрантнинг 37 нафари ватанга қайтди. Масалан, Лазиз Юсупов 17 миллион сўм кредит эвазига чорвачилик йўналишида иш бошлади.

Бир сўз билан айтганда, одамларимиз ҳаракат қилса, интилса, рўзғори бут, турмуши фаровон бўлишини англаб етди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Набижон УММАТОВ. Асака шаҳри:

— 2022 йил тадбиркорлик фаолиятимни ривожлантириш учун банкдан имтиёзли кредит олганман. Айни вақтда корхонамни бошқа шахсга сотяпман. Банкдан олган кредитимни тўлаш мажбуриятини ҳамкоримга ўтказсам бўладими?

“КРЕДИТИМНИ БОШҚА ШАХСГА ЎТКАЗСАМ БЎЛАДИМИ?”

Акмал НАЗАРОВ, Марказий банк департамент раҳбари:

— Фуқаролик кодексининг 322-моддасига асосан, қарздор ўз қарзини бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Фақат бунга кредитор, яъни кредит берган банкнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Янги қарздор кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни кредитор талабига қарши қўйишга ҳақли. Яъни, банкдан кредит олган шахс унга кредит берган банкка қандай эътироз билдириши мумкин бўлса, қарзни тўлашни бўйнига олаётган иккинчи шахс ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлади.

Агар кафил ёки гаровга қўювчи шахслар янги қарздор учун жавоб беришга рози бўлмаса, қарз бошқа шахсга ўтказилиши билан кафиллик ёки учинчи шахсдан белгиланган гаров бекор бўлади.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Мевалар касалликдан қандай ҳимоя қилинади?

Куз фасли — айни пишиқчилик даври. Бу муддат меваларни нест-нобуд қилмай териб олиш муҳим. Олма ва нок мевалари одатда 6-10 ойгача сақланади. Эътиборсизлик қилинса, 100 тадан кўп микроорганизм турлари зарарлаши, ҳосилнинг анча қисми нобуд бўлиши мумкин.



Алижон ЭСОНҚУЛОВ, Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори.

ОЛМА, НОК ВА БЕҲИНИНГ КЎК МОҒОР КАСАЛЛИГИ

Кўк моғор билан зарарланиб, чириётган мевадан зах ҳиди келади. Қобиғи оч ёки тўқ жигарранг тус олади. Тўқималар юмшаб қолади, соғломидан осон ажралади. Кўп мамлакатлардаги омборхоналарда совуқда (0-4 даража) ёки назорат остидаги шароитда (0-4 даража), 1-3 фоиз кислород ва 8 фоиздан кам карбонат ангидрид сақлайди. Назорат остидаги шароит қўлланиладиган омборхоналарда кўк моғор кам учрайди. Омборхонадан ташқарига олиб чиқарилган мева устида олдин замбуруғнинг оқ тусли мицелийси, кейин мицелий, конидиофора ва конидияларидан ташкил топган кўкиш-яшил моғор ҳосил бўлади.

КУЛРАНГ МОҒОР КАСАЛЛИГИ

Бу омборхоналарда сақланаётган нокнинг энг муҳим, олмада эса, кўк моғордан кейин 2-ўринда турувчи касаллиги ҳисобланади. Зарарланган мева устида чети ноаниқ, туси тўқ сариқдан оч жигарранггача бўлган доғ ривожланади. Вақт ўтиши билан ўсади, жигарранг ёки тўқ-қўнғир тус олади. Нокнинг яшил мевасида сув шимганга ўхшаш кулранг-яшил, кейин қўнғир тус олувчи доғ пайдо бўлади. Ҳали пишиб етилмаган олма ва нок мевасининг чириган қисми қаттиқ бўлиб, соғлом қисмидан осон ажралмайди, кейинчалик юмшайди. Юқори намликда чириётган мева устида оқ ёки кулранг-оқ моғор ривожланади. Конидиялар пайдо бўлгач, кулранг тус олади.

МЕВАНИНГ АЛЬТЕРНАРИОЗ ЧИРИШИ

Касаллик олма ва нокда учрайди. Зарарланган мева пўстида думалоқ, жигарранг ёки қора, қаттиқ, қуруқ яра пайдо бўлади. Кейинчалик зарарланган жой ғовак бўлиб қолади. Этида қора, узун доғ ривожланади. Нам шароитда яра устини қора моғор эгаллайди. Совуқ шароитда секин ўсади, 5 ойдан сўнг диаметри 2,5 см.гача етади.

МУКОРОЗ ЧИРИШИ

Касаллик олма ва нокда кўк ва кулранг моғорга нисбатан кам учрайди. Зарарланган тўқима юмшайди, оч жигарранг тус олади. 0 даража ҳароратда 2 ой ичида бутунлай нобуд бўлади. Ичидан споралари мавжуд суюқлик оқади. Омборхоналарда касаллик нок ва олмадан олмага ўтмайди, аммо нокка ўтади.

КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН КУРАШ ЧОРАСИ

Меваларни териб олишдан олдин дарахтга таркибида бензимидазол бўлган фунгицид ёки бензимидазолли фунгицидга дифениламин қўшиб пуркалади. Териш, яшикларга жойлаш ва омборхонага ташиш пайтида механик жароҳатлардан асраш керак. Дарҳол совитиш жуда муҳим. Сақлашга қўйишдан олдин омборхонанинг девори, шипи, поли дезинфекция қилинади.

Агар сақлашга қўйиладиган мева олдин ювилса, сувга бензимидазол ва дифениламин ёки каптан қўшиш ёхуд хлорланган илиқ сув билан ювиш лозим. Омборхоналарда совуқ ҳароратда ёки назорат остидаги шароитда сақлаш тавсия қилинади.



Ўзбекистонда октябрь ойида МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР қарийб 500 миллиард сўмга ортди.



Умра тадбирларини ташкил этиш учун лицензия олган 12 та ТУРФИРМА РЎЙХАТИ эълон қилинди.



Ўзбекистон электротехника маҳсулотлари экспорти 1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРга яқинлашди.

ҲАМКОРЛИК

ИСТИҚБОЛЛИ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Солиқ қўмитаси раиси Шерзод Кудбиев АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жонатан Хеник билан учрашди. Мулоқотда, шунингдек, USAIDнинг Ўзбекистондаги миссияси директори Дэвид Хофман ҳам иштирок этди.



Учрашувда хорижий техник ёрдам кўрсатишда солиққа тортиш масалалари, шу билан бирга, икки давлат солиқ идоралари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Солиқ соҳасида илғор технологияларни жорий этиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар Америка CISCO компаниясининг илғор технологияларини ўрганиш бўйича IT мутахассислари учун ўқитиш ва тажриба алмашинувини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқди.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати

ЖАРАЁН

30 мингта хонадон қўшимча даромад манбаига эга бўлди



Жалил ХОЛМУРАТОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Гурлан тумани бўлими бошлиғи.

Бугунги кунда Гурлан туманида 160 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, турмуш шароитини янада яхшилаш — асосий вазифаларимиздан. Шу мақсадда, аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир жами 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткич бўйича 50 та маҳалланинг "баланси" шакллантирилди.

Дастлаб, тумандаги маҳаллаларнинг ихтисослашуви ўрганилиб, янги ўсиш "драйверлари" аниқланди. Шунга мувофиқ, маҳаллаларни ишсизлик, камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида Сайхунобод, Уйчи туманлари ҳамда "Дилбулоқ" маҳалласи тажрибалари йўлга қўйилмоқда. Биргина Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибаси 280 та хонадонда намунали ташкил этилди. Натижада 1 200 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, тумандаги 30,1 мингта хонадон томорқадан самарали фойдаланиш, чорва ва парранда боқиш орқали қўшимча даромад олишга ўргатилди. Шу асосда, 45 та хонадонда иссиқхона ташкил этилди. 150 та хонадон чорвачиликка, 20,5 мингтаси парранда ва бедана боқишга мослаштирилди. 10,5 мингта хонадонда мевали дарахтлар ва баҳорги сабзавот экинлари экилди. Қолганлари бошқа йўналишларга ихтисослаштирилди.

Жорий йил туман миқёсида 16,2 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Жумладан, 1,7 минг нафари доимий, 375 нафари жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилди. 578 нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди, 8,2 минг нафари ўзини ўзи банд қилди. 1 500 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлади. 1 729 нафар ёшга деҳқончилик учун 370 гектар ер майдони ажратилди.

Туман бўйича 7 813 нафар фуқаро ишлаш, 26 нафари ўқиш, 134 нафари бошқа мақсадларда узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган. "Маҳалла еттилиги" мигрантлар билан доимий мулоқотлар ўтказиб, қайтиб келган фуқароларнинг бандлигини таъминламоқда. Жумладан, ўтган 8 ойда 7 388 нафари қайтиб келди. Уларнинг 120 нафари ишга жойлаштирилган бўлса, 366 нафарига ер ажратилди. 15 нафарига 310 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари берилди. Қолган 150 нафарига бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, оғир вазиятга тушган ва бу вазиятга тушиш эҳтимоли юқори бўлган оилалар "Кейс менежмент" асосида ўрганилиб, 210 та кейс очилди. Кейсларда кўтарилган муаммоларни бартараф қилиш учун 569 та ижтимоий хизматлар кўрсатилди. 231 нафар ногиронлиги бўлган шахс протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация техник воситалари билан таъминланди.

Бугунги кунда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида барча маҳаллаларда кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиш ишлари қизғин давом этмоқда. Янги боғлар, гулзорлар ташкил этилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси Гурлан тумани бўлими идораси қошидаги 3 сотих ер майдонига яхши ниятлар билан 250 туп мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Унда маҳалла раислари, нуронийлар иштирок этиб, ўзларининг маслаҳатларини беришди.

Ушбу эзгу ишларда туман аҳолиси янада фаол иштирок этиб, дарахт кўчатларини экишга масъулият билан ёндашмоқда. Жорий йил куз фаслида туман маҳаллаларига 60 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш режалаштирилган.

Келгусида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар давом эттирилиб, атроф-муҳит, табиатимиз янада мусаффо бўлади, ҳудудларимиз яшиллик оламига бурканади.





СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

"Яширин иқтисодиёт" ўрнини ташаббускорлик, шаффофлик эгаллади



Дилшодбек ШАРОПОВ, Олот туманидаги "Денов", "Нуробод" ҳамда "Пичоқчи" маҳаллалари солиқ инспектори.

Олот тумани — Бухоро вилоятининг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Ана шу олис ҳудудда биз, солиқ инспекторлари "маҳалла еттилиги"нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг "ўсиш нуқталари"ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини излаяпмиз. Масалан, менга бириктирилган "Денов" маҳалласи машҳур "олот" сомсанинг макони. Бу ерда ўнлаб сомсахоналар бор. Тадбиркорлик ва деҳқончилик ҳам маҳалла "драйвер"ларидан.

"Нуробод" йиғинида гулчилик, супурги ва иссиқхона билан шуғулланувчилар кўп. Ҳар тўртта хонадондан биттасида иссиқхона бор. "Пичоқчи" маҳалласи мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ҳунармандчиликка ихтисослаштирилмоқда.

Маҳаллаларда қўшимча даромад манбалари яратиб, маҳаллий бюджет тушумларини ошириш учун, аввало, ҳудудимиздаги солиқ тўловчиларни хатловдан ўтказяпмиз. Хатлов жараёнида 26 та объект аниқланиб, қўшимча 15,7 млн. сўм солиқ тушуми ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 14 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди, ноқонуний фаолият кўрсатаётган 15 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтказилди. 25 та корхонада норасмий ишлаётган 10 нафар ишчининг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди. Бундан ташқари, уйида норасмий даромад топиб келаётган 801 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Натижада 51,5 млн. сўм қўшимча манба аниқланди.

Фаолиятимиз давомида маҳаллалардаги тадбиркорликка қизиқувчи ёки тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётган, ҳуқуқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётган тадбиркорлик субъектлари билан манзилли ишлаяпмиз. Тадбиркорлик субъектлари билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, иқтисодий жиноятнинг салбий оқибатларини тушунтиряпмиз. Мавжуд муаммоли масалалар сектор раҳбари ва "маҳалла еттилиги" кўмагида ҳал этиляпти.

Шунингдек, тарғибот ишлари олиб борилиб, тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклиги тушунтирилмоқда. Баъзан айрим тадбиркорларга бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботларини топширишга кўмаклашяпмиз.

Ҳозирда "Денов", "Нуробод" ҳамда "Пичоқчи" маҳаллаларида жами 52 та юридик шахс, 3 та фермер хўжалиги, 57 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. Шунингдек, 340 та деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларда полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. 1 637 нафар фуқаро турли соҳаларда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтди. Жорий йил якунига қадар барча солиқ тўловчилар ҳисобидан 2 млрд. 282,2 млн. сўм ундирилиши кутилмоқда. Натижада 228,2 млн. сўм маҳаллалар бюджетида қолади.

Албатта, меҳнатларимиз муносиб эътироф этилиб, рағбатлантирилмоқда. Яқинда самарадорлик кўрсаткичи (KPI) бўйича юқори баллни эгаллаб, Солиқ қўмитаси раҳбариятининг ташаккурномасига эга бўлдим.

Келгусида маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириб, қўшимча иш ўринларини яратиш ва яширин иқтисодиётнинг олдини олиб, давлат бюджетига қўшимча маблағларни янада кўпайтириш ниятидаман.



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ: 63,8 МИЛЛИОН СЎМ КИРИМ ҚИЛИНМАГАН

Самарқанд вилояти солиқ хизмати органлари жорий йилнинг сентябрь ойидан бугунги кунга қадар умумий овқатланиш корхоналарида 132 марта назорат тадбири ўтказиб, 132 та ҳолатда 54,8 миллион сўмга харид чеки бермаслик, 63,8 миллион сўмни онлайн назорат-касса машинаси орқали кирим қилмаслик, 14 нафар норасмий ишчи, 13 та ҳолатда 1,2 миллион сўмга рақамли маркировка қоидаларига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлади.

Биргина рақамли маркировка қоидаларига амал қилмаслик бўйича 16 та алкоголь, 8 та тамаки, 7 та маиший техника, 5 та дори ва тиббий буюмлар савдосида ўтказилган назорат тадбирлари давомида маҳсулотдаги рақамли маркировкани 2D сканеридан ўтказмасдан 12,3 миллион сўмга харид чеки берилмаган бўлса, 16,6 миллион сўм онлайн назорат-касса машинаси орқали кирим қилинмаган. Мисол учун, Самарқанд шаҳрида фаолият юритувчи "Н.П." МЧЖга қарашли ресторанда ҳамда "Г.Ш." МЧЖга қарашли тунги клубда ўтказилган назорат хариди давомида икки турдаги спиртли ичимликлар ҳамда бир турдаги тамаки маҳсулотидаги рақамли маркировка кодини 2D сканеридан ўтказмасдан жами 1 096,0 минг сўмга харид чекини бермасдан сотганлиги аниқланди.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги салбий ҳолатлар, аввало, инсон саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин. Шунингдек, уддабурон тадбиркорлар тушумларини яшириш орқали солиқлардан қочишга ҳаракат қилмоқда.

Агар юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилса, тадбиркорга нисбатан Солиқ кодекснинг 227^1-моддасига асосан, молиявий жарима, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ёки Жиноят кодексининг 186^1-моддаларига мувофиқ, жазо қўлланилишига сабаб бўлади.

Даврон РАВШАНОВ,
Солиқ қўмитаси
Самарқанд вилояти бошқармаси
Ахборот хизмати раҳбари.



Бобурийлар альбоми саҳифалари орасидан тарихимизга оид БЕБАҲО ТАСВИР аниқланди.



Туркия билан ҳамкорликда ўзбекистонлик ёшлар учун МАХСУС ГРАНТ ДАСТУРЛАРИ йўлга қўйилади.



Болалар шифохонасида ўткир респиратор вирусли инфекцияларга чалинганлар учун ҚЎШИМЧА ЎРИНЛАР ташкил қилинади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Одамлар осойишта яшаши учун муносиб шароит яратиляпти

“Моштўғай” маҳалласи туман марказидан ўн беш километр олисда, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани билан чегарадош. Амударё бўйида жойлашган маҳалла аҳолисининг аксарияти деҳқончилик, асосан, шоличилик билан шуғулланади.

Низомжон ХУДОЁРОВ,
Хонқа туманидаги “Моштўғай” маҳалласи профилактика инспектори.



Дарё атрофидаги тўқайзорларда балиқчилик ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари бор. Овлоқ ҳудудда ўғриликларнинг олдини олиш учун ҳар бир дала ҳовлиларга видеокузатув қурилмалари ўрнатдик. Инсон юзидан ва автотранспортларнинг давлат рақамидан кимга тегишли эканини аниқлайдиган қурилмалардан маҳалланинг асосий кириш ва чиқиш кўчаларига қўйилди. Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда, тўртта кўчага ёритгич чироқлари ўрнатилди. “Фидокор ёшлар” жамоатчилик гуруҳи аъзолари билан тунги назорат-кузатув тадбирлари ташкил этиляпти.

Юртимизда энг қуйи бўғиндаги вазият ва муаммолар чуқур ўрганилиши асосида ҳар қайси маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ислоҳотлар самараси ўлароқ, маҳаллаларда жиноятчилик жиловланяпти, одамларнинг тинч-тотув яшаши учун муносиб шароитлар яратилмоқда.

Бироқ маҳаллани хавфсиз ҳудуд сифатида ушлаб туриш машаққатли меҳнатни талаб этади. Агар ҳудудингизда бирор жиноятчилик қайд этилса борми, ойлаб ишлаган меҳнатингиз бекор кетади. Шукрки, тўрт йилдан буён “яшил” тоифадамиз.

Албатта, бу натижа ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Биринчи навбатда, фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиб, жиноятчиликка мойиллиги бор ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаяпмиз. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўряпмиз. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, жиноятнинг салбий оқибатлари амалий мисоллар ёрдамида тушунтирилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун республиканинг барча ҳудудларида жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаш, аҳолининг кунлик ижтимоий-маиший муаммоларини “хонадонбай” ва “фуқаробай” ҳал этиш бўйича янгича ишлаш тизими яратилган. Шу боис моштўғайлик оилаларнинг ҳар биридан хабардор бўлиб, ким нима билан машғул – ҳаммасини ўрганиб боряпман. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” аъзолари энг яқин кўмакчимга айланган.

Биласиз, жиноятчиликнинг асл илдизи бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишсиз аҳолини, айниқса, ёшларни мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ишли қилишга ҳаракат қиляпмиз. Ёшлар етакчиси ўқувчиларнинг ўзи қизиққан бирор касб-ҳунар, спорт ёки санъат билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб, турли маданий тадбирлар, мусобақалар ташкиллаштирмоқда.

Бугунги тезкор замонда изланиш ва интилишдан тўхтамаслик керак. Шу боис аҳолини замонавий таҳдидлардан мунтазам огоҳлантириб, жиноятчиликка мойиллиги бор фуқаролар билан тизимли ишлаяпман. “Моштўғай” маҳалласининг жиноятдан холи ҳудуд бўлишига, айнан шу икки омил сабаб бўлмоқда.

ЖАРАЁН

Ташаббус барча муаммолар ечимига айланяпти



Акмал МИРЗОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тойлоқ тумани бўлими бошлиғи.

Бугунги кунда Тойлоқ туманида 50 та маҳалла бўлиб, унда икки юз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш — асосий вазифаларимиздан. Шу боис ҳар бир маҳаллада хатлов ўтказилиб, ишсизларни ишли қилиш бўйича Бандлик дастурлари тайёрланди.

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, 1 670 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. 1 860 нафар ёшга деҳқончилик учун 404 гектар ер майдони ажратилди. Уларнинг 101 гектарига сабзавот, 65 гектарига полиз, 165 гектарига картошка, 45 гектарига дуккакли, 10 гектарига бошоқли дон ҳамда 18 гектарига бошқа турдаги экинлар экилди.

Туманда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг 1 500 та лойиҳасига 78 млрд. сўм миқдорида маблағлар ажратилди. Сайхунобод тумани тажрибасидан келиб чиқиб, 1 985 та хонадонда интенсив боғлар, паррандачилик, балиқ етиштириш, асал экспорти каби йўналишларда фаолият йўлга қўйилди. Шунингдек, 1 583 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 18 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиб, 2 203 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, 3 718 та камбағал оиланинг 788 таси (74 фоизи) камбағалликдан чиқарилди. 154 та хонадонга иссиқхона қуриб берилган бўлса, 25 тасига 95 та асалари уялари, 320 тасига 15 120 бош парранда, 150 тасига 254 бош чорва моллари берилди. 39 тасига бошқа йўналишда ёрдам кўрсатилди.

Куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилиб, 8 та янги трансформатор қўйилди. 117 та симёғочлар алмаштирилиб, 105 та қўшимча ўрнатилди. 4 км. электр кабеллар тортилиб, 150 та тунги ёритиш чироқлари қўйилди. Газ



тармоқлари таъмирланиб, аҳолига 29 353 дона суюлтирилган газ баллони етказиб берилди. Шунингдек, 20 км. ички йўллар асфальтланиб, 74,6 км. тупроқ йўлларга шағал ётқизилди. 31 км. ичимлик сув тармоғи тортилиб, 5 та янги сув иншооти ўрнатилди. 79 та қабристон ободонлаштирилди, 45 км. узунликдаги лоток, ариқ, канал ва зовурлар тозаланди.

Бундан ташқари, 3 454 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, 26 нафарида жарроҳлик амалиёти бажарилди. 13 306 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатилди.

Тумандаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир бўлган ҳамда аҳоли мурожаатлари кўп тушган “Сариосиё” маҳалласидаги 22-боғча тарбияланувчилари ва 24-мактаб ўқувчилари бир неча йилдан буён артезиан сувини истеъмол қилиши натижасида болалар ўртасида гепатит А (сариқ) касаллиги кўпайган. Ишчи гуруҳ кўмаги билан мазкур маҳаллада сув минораси таъмирланиб, 1 километрга яқин сув қувури тортилди. Натижада боғча, мактаб ва 50 га яқин хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Туман маҳаллаларидаги 5 та тоифадаги (*жиноятчиликка мойил ёшлар, миграциядаги ёшлар, ишсиз ёшлар, ўқувчилар, талабалар*) 19 245 нафар ёш секторлар кесимида Прокуратура, Ички ишлар, Адлия, Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа бошқармалари ҳамда Миллий гвардияга номма-ном бириктирилиб, оталиққа берилди. Барча туман-шаҳарлар сектор раҳбарлари иштирокида миграциядаги ёшлар билан онлайн мулоқотлар ўтказилиб, унда 1 516 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Ёшларнинг 50 нафарига Германияга кетиш учун бепул немис тили ўқитиш курслари йўлга қўйилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг баҳор мавсумида 545 та эҳтиёжманд оиланинг хонадонига мевали дарахтлар экиб берилиб, 15 та маҳаллада “Маҳалла боғлари” ташкил этилган эди. Куз мавсумида эса туман бўйича 120 мингдан ортиқ мевали ва манзарали ҳамда қўшимча равишда аҳоли хонадонларига 160 мингдан ортиқ кўчатлар экилмоқда. 32 та маҳаллада ташкил этилган “Маҳалла боғлари”га 1,6 мингта дарахт экилиши режалаштирилган.

Туманда маҳалла институтини ривожлантириш ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш мақсадида, 2024-2026 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳалла биноларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича дастур тасдиқланган эди. Ушбу дастурга асосан, “Тепақишлоқ”, “Украч” ва “Галаботир” маҳаллалари бинолари фойдаланишга топширилди. Маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 50 та маҳаллага компьютер ҳамда 50 та кўп функцияли принтер ускуналари ва 15 та маҳалла мебель жамланмалари тақдим этилди.

Тойлоқ туманида бу борадаги амалий ишлар давом эттирилмоқда. Уюшма фаолиятига оид режадаги барча ишлар ойма-ой ва тармоқлар кесимида тўлиқ якунланади. Бу борада “маҳалла еттилиги” барча йўналишларда ташаббусни ўз қўлига олган.



ОГОҲ БЎЛИНГ!

“МИНГ БИР ХАСТАЛИККА ДАВО” “ДОРИ”ЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва телеграм мессенжерида ташкил этилган гуруҳ ва каналлар орқали овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар, малҳамлар, суртмалар, бальзамлар, дамламалар, сувларнинг тиббиётда даволаш қийин бўлган касалликларни даволаш ва олдини олишда (*профилактикада*) энг мақбул ва самарали восита кўринишида тарғибот қилиш кучаймоқда.

Бу жараёнда ушбу маҳсулотларнинг реклама-маси **“минг бир хасталикка даво”** сифатида, **“мўъжизакор” таъсири ҳақида истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ, бўрттирувчи иборалар асосида жойлаштирилиши, таниқли шахслар ва жамоат арбоблари томонидан мазкур маҳсулотларни тавсия қилиниши, даволашда фойдаланганликлари, таъсир доираси ва терапевтик самарадорлиги ҳақида фикрлар билдирилиши истеъмолчиларнинг режали (*анъанавий*) даволашдан воз кечиб, ўз-ўзини даволаш усулларини кенг қўллани-лишига, ҳаттоки фожиали ҳолатларга сабаб бўлмоқда.**

Айниқса, реклама лавҳаларида фуқаро-ларнинг диний туйғуларидан фойдаланган ҳолда далил сифатида диний блогерларнинг суратлари, улар иштирокидаги видео ва аудио лавҳалардан фойдаланилиб (*муайян бир савдо белгиси аниқ гапирмаган бўлса-да*), даволаш учун тавсиялар ва кўрсатмалар бериш орқа-ли истеъмолчиларда маҳсулотларга нисбатан бўлган ишончни сунъий равишда оширилишига ва пировардида нотўғри хулоса чиқарилишига олиб келмоқда.

Ачинарлиси, бундай маҳсулотларни диний блогерлар бевосита реклама қилиши истеъмол-чиларни чалғитиб, уларда ушбу маҳсулотларни дори воситаси ва даволаш хусусиятига эга эканлиги ҳақида янглиш фикрлар шаклланишига ҳамда уларни истеъмол қилинишига унда-моқда.

Ўз навбатида, Қўмитага **рекламаларга ишо-ниб, айнан шу каби маҳсулотларни сотиб олган, бироқ уларнинг истеъмоли натижасида соғлиги янада ёмонлашганлиги тўғрисида фуқаро-лардан кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.** Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида **био-логик фаол қўшимчалар бўйича мингтага яқин мурожаатлар кўриб чиқилиб, истеъмолчиларга 118 млн. сўм моддий зарарлар қопланиши таъминланган.**

Маълумот учун, “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида овқатга қўшиладиган **биологик фаол қўшимчаларнинг ва озиқ-овқат қўшимчаларининг рекламасига доир қуйидаги талаблар белгиланган:**

– улар дори воситалари ҳисобланади ва (ёки) даволаш хоссаларига эга деган таассуротни уйғотмаслиги;

– уларни қўллаш натижасида одамлар даво-ланганлиги, уларнинг аҳволи яхшиланганлигига доир муайян ҳолларга ҳаволаларни ўз ичига олмаслиги;

– уларнинг қўлланилганлиги муносабати би-лан жисмоний шахслар томонидан билдирилган миннатдорчилик изҳорини ўз ичига олмаслиги, соғлом овқатланишни рад этишга ундамаслиги;

– овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчаларнинг ва озиқ-овқат қўшимчала-ринг тадқиқотлар ўтказилганлиги, давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги фактларга ҳаволалар қилиш, шунингдек, бошқа тадқиқот-лар натижаларидан уларни қўллаш учун тўғри-дан-тўғри тавсия шаклида фойдаланиш орқали дори воситаларига нисбатан афзалликлари ҳақидаги таассуротни юзага келтирмаслиги;

– ҳар бир ҳолда реклама объекти дори воситаси эмаслиги тўғрисидаги огоҳлантириш билан бирга берилиши кераклиги белгиланган.

Қонуннинг 47-моддасига асосан, биологик фаол ва озиқ-овқат қўшимчалари рекламасига доир талабларни бузганлик – **базавий ҳисоб-лаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.**

Юқоридагиларни инобатга олган ҳол-да, Рақобат қўмитаси “Реклама тўғрисида”ги қонунига асосан, ноаниқлиги, бир хил маъноли бўлмаганлиги, бўрттириб юборилиши, яшириб кетилиши, тарқатилиш вақти, жойи ва усулига нисбатан талабларнинг ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа талабларнинг бузили-ши натижасида рекламадан фойдаланувчилар-ни чалғитадиган ёки чалғитиши мумкин бўлган, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, жамият ҳамда давлат манфаатларига моддий зарар ва маънавий зиён етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (*инсофсиз, била ту-риб ёлғон*) реклама эканлиги ҳақида эслатади ҳамда бундай рекламани тарқатиш қонун-чиликка биноан жавобгарликка асос бўлиши ҳақида огоҳлантиради.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси.



“Euronews” телеканали орқали Ўзбекистоннинг экология ва туризм имкониятлари ТАРҒИБ ҚИЛИНАДИ.



Тошкентда ногиронлиги бўлган шахслар учун “ИЖТИМОИЙ ТАКСИ” транспорт хизмати йўлга қўйилди.



МДҲ ва Марказий Осиёдан ягона вакил — ҳамюртимиз ШАҲЛО ТУРДИҚУЛОВА Бутунжаҳон фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

ТАҲЛИЛ

Нуронийлар эъзоз топган юртда барака бўлади

Ёши улуғ инсонлардан ўрганадиган нарсаларимиз жуда кўп. Фаолиятимиз давомида бирор муаммоли масалага дуч келсак, дарров уларнинг маслаҳатига ошиқамиз. Кўрсатган йўл-йўриқлари билан одамлар кўнглига йўл топяпмиз, мушкулини енгил қиляпмиз.



Абдураҳмон ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бухоро шаҳри бўлими бошлиғи.

Шундай экан, кексаларни муносиб тарзда эъзозлаш, ҳурмат кўрсатиш фарзандлик бурчимиз саналади. Куни кеча ҳудудимиздаги “Варахша” маҳалласида “Нуронийлар — маҳалламиз кўрки ва фахридир” шиори остида ташкил этилган тадбирда улар олдига тўкин дастурхон ёзилди. Меҳмонлар бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қуришди. Маҳаллани янада обод масканга айлантириш борасида фикр-мулоҳаза алмашди.
Кўча бошилар, намунали оила вакиллари иштирокида палов дамланди. Қўллар дуога очилиб, юртимизга тинчлик, халқимизга хотиржамлик сўрашди. Маҳалла фаоллари ўзгалар парваришига муҳтож, бемор ётган ҳамда ногиронлиги бўлган 20 нафар фуқарони ош кўтариб, ҳолидан хабар олгани борди.

Бугун юртимиз янада кўркам қиёфа касб этиши учун ҳудудларда “Яшил макон” лойиҳасининг ижроси жадал бормоқда. Хусусан, “Хўжамушкин” маҳалласидаги кўп қаватли уйлар олдига янги ниҳоллар қадалди. Бу жараёнда маҳалла ходимлари билан бир қаторда аҳоли вакиллари ҳам анчагина фаоллик кўрсатмоқда.

"Кўкалдош" маҳалласида эса бир неча йиллик дарахтларга шакл берилиб, кўчалар хазонлардан тозаланди. Қувонарли жиҳати шундаки, аввал фақат ҳашарда қилинган ишларни бугун халқ доимий юмушига айлантириб бормоқда. Уйининг атрофи ва маҳалласини тоза ва озода сақлаш учун жон куйдирадиганлар сони тобора кўпаймоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилда туманимиздаги 65 та маҳалла ҳудудида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида баҳор мавсумида 987 мингта, куз фаслида 1,2 миллион дона кўчат, бутали дарахт ва гуллар экилди.

Айни вақтда халқнинг фаровон турмуш кечириши учун кечаю кундуз меҳнат қилаётган 413 нафар маҳалла ходимлари ўз олдига аниқ мақсадлар қўйган.



Айниқса, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оила вакиллари билан кўпроқ ишлашга ҳаракат қилишяпти. Камбағалликни қисқартириб, фаровонлик сари дадил илдамламоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида “маҳалла еттилиги” аъзолари билан биргаликда жойларда янги иш ўринларини яратиш, миграция масалалари, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, жиноятчиликни камайтириш ва маҳалла ободонлигига алоҳида эътибор қаратилиб, қатор ижобий натижаларга эришилди.

Ҳар бир маҳаллада ишсиз фуқаролар билан манзилли ишлаш бўйича “Бандлик дастури” тузилди. Амалга ошириладиган ишлар аниқ белгилаб олинди. “Омбор дафтари”га киритилган 2 минг 978 нафар ишсизнинг 2 минг 857 нафари (95,5 фоиз) банд қилинди.

Маҳаллалардаги 246 та нотинч ва жанжалкаш оилалар, жиноятга мойиллиги бўлган шахсларнинг турмуш тарзини “маҳалла еттилиги” доимий назоратга олган. Шу тоифадаги аҳоли вакилларига маҳаллада обрў, эътиборга эга фаоллар, имом-хатиблар бириктирилиб, барчаси мунтазам равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Вояга етмаган шахслар учун реабилитация маркази очилса...

Беш йил давомида умумий ўрта таълим мактабида ўқувчиларга дарс бердим. Шу вақт мобайнида ҳар хил оила фарзандлари билан ишладим. Айниқса, қийинчилик ва моддий етишмовчилик сабаб синфдошларидан ажралиб қолган ўқувчиларни кўрганда, доим уларга ёрдам бергим келарди. Кўнглини кўтариб, яхши ўқиши кераклигини кўп таъкидлардим.

Саида ЭРГАШЕВА, Жарқўрғон туманидаги “Узумзор” ва “Мустақиллик” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгани мен учун айни муддао бўлди. Давлатнинг расмий вакили сифатида кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашим кераклигини тушуниб етдим. Ҳозир таълим муассасалари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратяпман. Халқимизнинг ҳар бир фарзанди тўла-тўкис ҳаёт кечириши учун қўлимиздан келганча шароит яратиб беришимиз керак.

Дастлаб бу соҳанинг моҳияти шунчалар кенг эканини тушунмаган эканман. Ишлаб, тажрибам ортгани сари қарашларим ўзгаряпти. Юртимизда инсон қадри нақадар баланд эканига шахсан гувоҳ бўляпман. Одамлар йиллар давомида ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини билмай, идорама-идора сарсон бўлиб юришган. Бугун эса ҳар бир хизмат уларнинг эшигидан ўзи кириб боряпти.

Санжар Эшқўзиев 2003 йилда туғилган. Бундан 3 йил аввал ишлаш учун Россияга йўл олади. Ҳеч қандай ҳунари бўлмагани учун қурилишда оддий ишчи сифатида меҳнат қила бошлайди. Лекин бахтсиз ҳодиса рўй бериб, 9-қаватдан йиқилиб тушади. Умри, ризқи бор экан, омон қолади. Кўрилган даво чоралари билан бир ярим ойда ўзига келади. Аммо ҳаракатланиши анча чекланган эди. Вақт ўтиб, секин оёққа турди. Айни вақтда олий таълим муассасасида таҳсил оляпти.

Санжар билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб тураман. Ўзидаги жисмоний нуқсонлар сабаб анча тушкун кайфиятда эди. Психолог ўтказган амалий машғулотлардан кейин руҳан тетик бўлди. Ҳозир маҳалламиздаги умумий ўрта таълим мактабида ўқувчиларга технология фанидан дарс беряпти. Шу кунларда уйланаман, деган тадорикка ҳам тушиб қолган. Энг муҳими, ўзига бўлган ишончи ортди. Имкониятлари кенглигини англаб етди.

...“Узумзор” маҳалласида истиқомат қиладиган бу аёл билан биринчи марта учрашганимда, нурсиз ва сўлғин қиёфасидан яшаш учун ҳеч қандай илинж тополмадим. 2 марта турмуш қуриб, 8 нафар фарзандни дунёга келтирган. Яшаб келаётган умр йўлдоши вафот этгач, дунё кўзига қоронғу бўлиб кетади. Ҳатто бир неча марта ўз жонига қасд қилишга уринади. Бундай кайфиятдаги кишини сира ёлғиз қолдириб бўлмайди. Шунинг учун тез-тез хонадонига бориб турамиз. Ўзи чекка, чўл ҳудудидаги ялангликда яшайди. Энг яқин қўшниси билан орасидаги масофа 1-1,5 км.ни ташкил этади. Фарзандлари 3,5-4 км. йўл юриб мактабга қатнайди. Шароитини яхшилаш мақсадида сектор раҳбари ва мутасадди ташкилотлар билан бирга уйига қўш панеллари ўрнатиб берилди. 4 нафар боласига нафақа тайинланди. 1 нафари вафот этган, қолганлари вояга етиб, анча ёрдамчи бўлиб қолишган.

Кейс давомида аёлга психолог ва юристлар турли хизматларни кўрсатишди. Айни вақтда фуқаро мавсумий ишларга чиқиб, даромад топяпти. Келгусида мономарказнинг тикувчилик курсида ўқиш нияти бор. Янги режа ва мақсадлар келажакка бўлган умид дегани.

Ҳозир кўпгина маҳалла ходимларини тазйиқ ва зўравонлик масаласи ўйлантиряпти. Ҳудудимизда ҳам 2 та аёлга ҳимоя ордери берилган. Бу каби салбий ҳолатларга чек қўйиш учун мактабларда юқори синф ўқувчиларига “Оила психологияси” фани ўқитилса, айни муддао бўларди, деб ўйлайман. Фарзандларимизга ҳар турли соҳалардан билим берамизу, лекин аёл ва эркакнинг оиладаги ўрни ва вазифалари нимадан иборат эканини ўргатмаяпмиз...

Яна бир масала, ҳозирги кунда вояга етмаган шахс ҳуқуқбузарлик содир этганда, 10-15 кунлик жазо муддатини ўташи учун махсус колонияларга юборилади. Агар бундай қийин вазиятга тушиб қолган ўсмир билан психолог ишламаса, келажакда янада оғирроқ жиноятларга қўл уриши ҳеч гап эмас. Шунинг учун худди аёллар реабилитация марказларига ўхшаган, болани 3-6 ой давомида тарбиялайдиган, касб-ҳунарга ўқитиб, бандлигини таъминлайдиган муассасалар ташкил этилишини таклиф қилган бўлардим.



ЯНГИЛИК

КИМЛАР ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ?

Президентнинг 2024 йил 14 ноябрда қабул қилинган “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2025 йил 1 мартдан бошлаб, ёлғиз она (ота)га бир нафар фарзанди учун бола(лар) 3 ёшга тўлгунига қадар мактабгача таълим хизматидан фойдаланиш учун БҲМнинг 1 ярим бараваригача (562 минг 500 сўмгача) миқдорда моддий ёрдам берилади.

2025 йил 1 февралдан бошлаб:

✓ *оилавий болалар уйини ташкил этиш учун оиланинг эр ва хотиндан иборат* ***тўлиқ оила бўлиши талаби*** *бекор қилинади;*

✓ *30 ёшга тўлган фуқароларга* ***оилавий болалар уйини*** *ташкил этишга рухсат этилади;*

✓ *ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар тарбияга (патронат) фақат* ***уларнинг қариндошларига*** *берилади;*

✓ *етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг* ***яшаш харажатлари****, оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларга болани тарбиялагани (парваришлагани) учун ажратиладиган маблағлар тарбияланувчилар умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларини тамомлагунига* ***қадар*** *берилади.*

Фармон билан “Инсон” марказлари боланинг соғлиғини тиклаш ва реабилитацияси учун қўшимча харажатларни бола фойдасига ундириш бўйича судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилди.

КЎМАК

Ижтимоий хизмат ва ёрдам индивидуал режа асосида

Маҳаллаларда камбағал оилаларни аниқлаш, уларни реестрга киритиш ва чиқариш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чораларни кўришни “маҳалла еттилиги” бевосита ижтимоий ходимларнинг иштироки асосида амалга оширади. Хусусан, камбағал оилалар ягона саволнома асосида баҳоланади ва уларнинг ижтимоий портрети шакллантирилади.



Ижтимоий ходим ва ҳоким ёрдамчиси ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой, бандлик, таълим, хулқ-атвор йўналишларини қамраб олувчи оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқади.

Мазкур тоифадаги оилаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва таълим йўналишларида ижтимоий ходим ҳамроҳлик қилади. Шу билан бирга, оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режанинг самарадорлиги ва натижадорлиги мониторинг қилиб борилади.

Шовот туманида истиқомат қилувчи Гулбаҳор Матниёзова хонадонини ижтимоий ходим ўрганиб, уларни фаровонликка олиб чиқиш чораларини босқичма-босқич амалга оширмоқда. Хусусан, хонадоннинг том қисми шифер қилиб берилди, хоналари пол қилинди ва ҳожатхона янгидан қурилди. Набираси имтиёзли равишда оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотига жойлаштирилди. Сиҳатгоҳга навбатга қўйилди. Онахоннинг фарзанди ишга жойлаштирилди. Оила чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ижтимий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.



Пойтахтимизда ШАХМАТ БЎЙИЧА соврин жамғармаси 75 минг АҚШ доллари бўлган халқаро турнир старт олди.



Халқаро бокс федерацияси (IBF) янгилаган рейтингда ШАҲРАМ ҒИЁСОВ кучли ўнликдан ўрин олди.



Ҳиндистон мезбонлик қилаётган теннис бўйича халқаро турнирда ҲУМОЮН СУЛТОНОВ 1/4 финалга чиқди.

САЛОМАТЛИК

БОЛАЛАР ҚИЗАМИҚҚА ҚАРШИ ЕТАРЛИЧА ЭМЛАНМАГАН

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда АҚШ Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказининг янги ҳисоботига кўра, ўтган йили дунё бўйича 10,3 миллион беморда қизамиқ касаллиги аниқланган. Хавотирли жиҳати, бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 20 фоиз юқори.

Экспертларнинг хулоса қилишича, хасталаниш ҳолатлари сони кескин ортиши болалар қизамиққа қарши вакциналар билан етарли даражада қамраб олинмаётгани оқибатидир.

Масалан, мазкур патология профилактикаси учун икки дозали вакциналар қўлланилади. Бироқ 2023 йилда дунё бўйича 22 миллион нафардан ортиқ ўғил-қиз биринчи босқичда эмланмаган. 83 фоиз бола вакцинанинг биринчи дозасинигина қабул қилган бўлса, фақат 74 фоиз ўғил-қиз тавсия этилган иккинчи дозани олган.

Оқибатда ўтган йили Африка, Шарқий Ўрта ер денгизи, Европа, Жанубий-Шарқий Осиё ва Ғарбий Тинч океани минтақалари мамлакатларида қизамиққа чалиниш ҳолатлари сезиларли даражада кўпайган.

Шу туфайли 2023 йили ушбу хасталик қарийб 107,5 минг инсоннинг ҳаётига зомин бўлди. Уларнинг аксарияти беш ёшгача бўлган болалардир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.

ЁДДА ТУТИНГ!

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МЕҲР КЎРИБ УЛҒАЙСИН!



Ҳар бир бола меҳр ва ғамхўрлик билан ўсиши, ўзини хавфсиз ва ҳимояланган ҳис қилиши керак. Ота-она болаларнинг бахтли ва соғлом ҳаёти учун катта масъулиятни ҳис қилиши жуда муҳим. Янги қонунчиликда бу борада муҳим талаблар белгиланган:

✓ Болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш — ҳар бир ота-онанинг асосий вазифаси;

✓ Меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш — болаларга меҳр билан ёндашиш, уларни қўллаб-қувватлаш;

✓ Зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш — интернет ва бошқа манбалардаги ножўя материаллардан болаларни асраш;

✓ Жисмоний жазолаш тақиқланади —болалар тарбиясида зўравонликка ўрин йўқ.

Ота-оналар нафақат болаларга зарур тарбия ва таълим беришга масъул, балки уларни психологик ва жисмоний хавф-хатардан ҳимоя қилишда ҳам фаол бўлиши лозим.

Фарзандни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлик, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомала, ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак.

Болалар — бизнинг келажагимиз, уларнинг хавфсиз ва соғлом вояга етказиш барчамизнинг бурчимиздир!

НУҚТАИ НАЗАР

“Маҳаллалар — ривожланишнинг энг муҳим негизидир”

Ҳусан МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Юнусобод тумани бўлими бошлиғи.

Ажралиш ёқасига келиб қолган оилани яраштиришдек мушкул иш бўлмаса керак. Ўзини ҳақ деб билган икки томон билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар олиб бориш, яхшисини ошириб, ёмонини яшириб кўрсатиш ҳар бир маҳалла мутасаддисидан катта маҳорат талаб қилади.

Куни кеча низоли бир оила билан ишладик. Ҳолатни туб илдизигача ўрганиш ва ижобий тарафга ўзгартириш мақсадида жараёнга масъул ташкилот раҳбарларини ҳам жалб қилдик. Атрофлича ёндашув ҳамда кўрсатилган йўл-йўриқлар бесамар кетмади. Келин ва куёв хатоларини англаб етишди. Охир-оқибат эзгу ниятлар билан қурилган кўрғонини сақлаб қолишга қарор қилишди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар ажралиш ёқасида турган оилаларнинг 205 тасини яраштиришга эришдик.

Қанчадан-қанча норасида гўдаклар тирик етим бўлишдан сақлаб қолинди. Бундан ташқари, 55 та нотинч хонадондаги низоларга барҳам берилди. Арзимас сабаблар билан келиша олмаётган қариндошлар бир-бирини кечириб, тинч-тотув яшай бошлади.

Маҳалла тизимида ҳеч бир масала йўққи, ўзаро боғлиқ бўлмаса. Ҳар қандай муаммо бевосита бошқасига бориб тақалади. Айниқса, келишмовчилик ва можароларни келтириб чиқарувчи омиллар жуда кўп. Айтайлик, ишсизлик ҳамда камбағалликни бартараф қилиш бугун маҳаллалар олдида турган энг долзарб муаммолар саналади. Бу камчиликларни ҳал қилиш орқали кўплаб фуқароларнинг фаровон турмуш кечиришига эришган бўламиз.

Шу маънода туманимиздаги 2 минг 374 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 1 минг 901 нафар шахс доимий иш ўрнига эга бўлди. 739 нафар бирор касбга эга бўлмаган кишилар ҳунар ўрганишга жалб қилинди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда уларни тадбиркорликка йўналтириш энг тўғри ёндашув ҳисобланади. Шу мақсадда, 39 нафар фуқарога оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиши учун 530 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Бугунги кунда уларнинг ҳаммаси фаолиятини муваффақиятли ташкил этиб, яхши даромад топишни бошлаган.



Йўлимни топаман, мустақил оёққа тураман, деган инсонларга давлат кўрсатаётган кўмак ва берилаётган имкониятлар анча далда бўляпти. Имтиёзлар сабаб тўсиқ ва қийинчиликларни осон енгиб ўтмоқда. Аввал-лари маҳалла идорасидан арзимаган моддий ёрдамга кўз тикиб ўтирган оилалар бугун йирик ишлаб чиқариш корхоналарига эга.



Бундан бир неча йиллар олдин қандай ишнинг бошини тутишни билмай, чорасизликдан хорижга ишлаш учун кетган мигрантлар энди юртимиздаги шарт-шароитдан хабар топиб, ортга қайтишни бошлаган. Хусусан, туманимиз ҳудудидан чет элга кетган 21 минг 128 нафар фуқаронинг 4 минг 979 нафари оиласи бағрида яшашни афзал кўришди. Маҳалла мутасаддилари уларнинг муносиб иш ўрнига эга бўлиши учун астойдил ҳаракат қиляпти. Бу борада қилинган амалий ишлар натижаси ўлароқ, 727 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. 439 нафарига ёшга доир нафақа тайинланган бўлса, 357 нафари норасмий секторда меҳнат қилмоқда. Қолганлари турли йўналишларда ўзини ўзи банд қилган.

Туманимизда жойлашган 64 та маҳалланинг ҳар бирида жараён қизғин. Одамлар бу идоранинг улар ҳаётида катта аҳамият касб этишини тобора чуқурроқ англаб етмоқда.

Сўзимни давлат раҳбарининг қуйидаги гапи билан якунлашни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман: **“Биз фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишни маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилиб келаяпмиз. Бу тизимни босқичма-босқич ривожлантирдик. Энди яна қўшимча куч, имкониятлар берилди. Бу ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Зеро, маҳаллалар – ривожланишнинг энг муҳим негизидир”.**

МАНЗАРА

Учинчи шахс аралашувига қонуний чеклов зарур...

Болалигим бувим билан бирга ўтган. Улардан эшитган ўгитларим ҳали ҳамон қулоқларим остида жаранглаб тургандек. Қиз болалик одоби, ҳаё ва иффат ҳақидаги гапларини тинглаб улғайганман. Олган сабоқларим бугун маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш, фарзанд вояга етказишда менга дастур бўляпти.

Мунисхон РАББИМОВА,
Навоий шаҳридаги “Янгиобод” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Ҳудудимизда 3 минг 835 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Ҳар куни турфа феъл-атвордаги инсонлар билан суҳбатда бўламан. Айримларини кўриб фикр қилсам, айримлари ҳаракат ва олға интилишга ўргатади. Шаҳар ҳудудида жойлашганимиз боис корхона ва ташкилотларда фаолият олиб борадиганлар анчагина. 30 фоиз аёл раҳбар лавозимларида ишлайди. Туман тиббиёт бирлашмасида ҳамшира, тозалик ходими сифатида бандлиги таъминланганлар ҳам кўп.

Гавҳар Эгамова 3 йилдан буён тикувчилик ва касаначилик билан шуғулланиб келади. Асосан, янги туғилган чақалоқлар учун кийимлар тикади. Қолаверса, аёллар учун замонавий услубдаги либослар яратишга иштиёқи баланд. Ташкил этган корхонасида 15 нафар хотин-қиз меҳнат қиляпти. Яна қатнаб ишлашга имкони бўлмаган 20 нафар аёл касаначилик асосида буюртмаларини уйида ўтирган ҳолда тикиб беришяпти.



Шаҳримиз ва Нурота туманидаги мономарказнинг бир бўлаги сифатида ҳар 3 ойда 30 нафардан шогирдларига ҳунарининг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Бошқа маҳалла ҳудудидан келиб ўқийдиган ёшлар ҳам талайгина. Ўз касбининг устаси бўлган бу аёл ўқувчиларини моҳир тикувчи қилиб тайёрлаяпти.

Маҳалла бундай ўз устида ишлашни истайдиган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Гавҳар Эгамовага фаолиятини кенгайтириши учун 2 марта 30 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилди. Касб-ҳунарга ўқимоқчи бўлганларнинг рўйхатини шакллантириб, йўналтириб беряпмиз. Битирувчиларга махсус сертификатлар топшириляпти.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, маҳалламизда жойлашган кутубхона ва китоб дўкони сабаб инсонлар ўз маънавий дунёсини бойитиб келмоқда. У ердан хоҳлаган жанрдаги асарларни топишингиз мумкин. Эндиликда маҳалладошимиз мазкур савдони электрон тарзда ташкил этиш тадоригини кўрмоқда.

Нурхон Бобоқулова 3 йил давомида чет элда ишлаган. Она юрти ва яқинларидан олисда қийналгани учун ортига қайтиб келди. Турмуш ўртоғи билан ажрашган, бир нафар фарзанди бор. Қанча қоқилмасин, оёққа туришга ҳаракат қиляпти. Кичик бир цех ташкил этиб, 2 нафар ишчиси билан бирга келинлар учун миллий кўринишдаги сарполар тикяпти. Шу кунларда маҳалла тавсияси билан 33 миллион сўм миқдорида кредит олиш учун ариза топширган. Бир ҳафта ичида жавоби чиқиб қолади.

Ҳудудимизда 3 та 8 қаватли ижтимоий ётоқхона мавжуд. Унинг ҳар қаватида 47 нафардан киши истиқомат қилади. Бу маҳалламиздаги энг оғриқли манзиллардан бири. У ерда 150 нафар ёлғиз оналар яшайди. Ачинарли жиҳати шундаки, аёлларнинг бирортаси турмушга чиқмаган. Лекин яшаш шароити ёмон эмас. Шундай бўлишига қарамай, олдимизга давлат уларга бераётган имтиёзларни талаб қилиб келади. Қонун ҳужжатларида шу масалага ечим топиб берилса, яхши бўларди.

Жорий йилда маҳалламизда 15 та оилавий ажралиш қайд этилди. 5 тасига учинчи шахс аралашуви сабаб бўлган бўлса, 6 таси хиёнат туфайли бузилди. Бу муаммога ечим топиш учун “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари анча фаоллик кўрсатяпти. Лекин хиёнат юз берганда, яраштириш қийин бўлади. У кейинчалик жиноятга йўл очиб бериши мумкин. Лекин учинчи шахс аралашуви масаласида қонуний чекловлар ўрнатилишини истардик. Бу ажралишлар сонини бироз қисқартиришга ёрдам берган бўларди.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ, Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 640 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.